



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

Ўзбекистон-Туркменистон: ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 октябрь куни давлат ташрифи билан Туркменистонга келди.

Давлатимиз раҳбарини Туркменистон Президентининг Ашхободдаги саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар — Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухаммедов шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухаммедовнинг яқма-яқма суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч ва ҳурмат асосидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Ашхобод саммити Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари мушарраф эканлигини кўрсатиши қайд этилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорлиги, минтақавий ҳамкорлик ва барқарорликни мустақамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашга, халқаро интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимиз дунёнинг аксарият давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Туркменистон ҳам ташқи дунё билан турли соҳаларда ҳамкорлик учун очкидир.

Президентлар ёқилғи-энергетика соҳаси Ўзбекистон ва Туркменистон учун янги имкониятлар очаётганини таъкидладилар. Мамлакатларимизда энергия манбаларининг йирик конлари бор. Дунёда нефть ва газга талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда бундай омил ҳамкорликдаги лойиҳалар учун яхши асос бўлиши таъби. Хусусан, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон, Туркменистон, Россия ва Қозоғистон ўртасида Қаспий бўйлаб янги газ қувури барпо этиши ва Марказий Осиёдан Россияга нефть-газ узатиладиган мавжуд қувурни реконструкция қилиш борасида эришилган келишув муваффақияти билан ҳаётга татбиқ этилиши учун барча имкониятлар мавжуд. Зеро, мазкур мамлакатлар бир-бирини яхши биладиган ишончли шериклардир. Бундай шароитдаги ҳамкорлик уларга нафақат молиявий-иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам келтириши шубҳасиздир.

Каспийбўйи қувури Марказий Осиёдан Россияга узатиладиган газ ҳажмини қарийб икки баробар ошириши имконини беради. Одатда қувур ётқизиш ишлари йирик сармоявий ҳамкорликнинг назарда тутилган. Мутахассислар бу ҳамкорлик негизиде қувур ўтган жойларда

инфратузилмани, сайёҳлик ва экология соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали ўтадиган Туркменистон-Хитой газ қувурини барпо этиш лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлайди. Бу мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш баробарида Ўзбекистонга экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидеги музокира соҳасида давом этди. Ислам Каримов Ашхобод саммити мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги кенгайтириш нидан яна бир далолат эканлигини таъкидлади.

Гурбангули Бердимухаммедов Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни Туркменистоннинг энг хурматли ва энг фахрий меҳмони деб билишини, томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қарашлари, қўлдан келган ҳар қандай муаммоларга муносабати ўқшаш ёки яқинлигини қайт этди.

Музокарада тегишли вазирилик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевоасита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби вазифаларни топширишга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори мустақам, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркменистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қариндошлик ришталари билан мустақам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқулнинг ҳайкали очилгани икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

2004 йилда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга энгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган объектларда хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-

Туркменистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳуқуқатлар бимиларим имзоланган. Мамлакатларимиз илм-фан ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик борасидаги имкониятларни тўлиқ ишга солишга, деб бўлмади. То-вар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони икки томонни ҳам қониқтирмади. Ваҳоланки, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк ташиш мамлакатларимизнинг имзоланган. Умуман, иқтисодий ҳамкорликни оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Музокарада тегишли вазирилик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевоасита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби вазифаларни топширишга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори мустақам, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркменистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қариндошлик ришталари билан мустақам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқулнинг ҳайкали очилгани икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

2004 йилда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга энгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган объектларда хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-

Туркменистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳуқуқатлар бимиларим имзоланган. Мамлакатларимиз илм-фан ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик борасидаги имкониятларни тўлиқ ишга солишга, деб бўлмади. То-вар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони икки томонни ҳам қониқтирмади. Ваҳоланки, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк ташиш мамлакатларимизнинг имзоланган. Умуман, иқтисодий ҳамкорликни оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулугбек Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 24-моддаларига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга алоқадор бўлган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи, улар кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчиларнинг имзоларини тўплашни ташкил этиш тартиби, шунингдек, бўлажак сайловга тайёргарлик куриши билан боғлиқ бошқа масалалар тўғрисида маълумот берди.

Округ сайлов комиссиялари тузилганлиги, уларнинг жамоатчилик оёрули вакиллари орасидан шакллантирилган шахсий тартиби, шунингдек, ушбу комиссияларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳақида ахборот берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.АБДУСАЛОМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 24-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати марказий матбуотда эълон қилинсин.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 15 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛГАН СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси.
2. Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси.
3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси.
4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.
5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Акмал Холматович Саидовни номзод этиб кўрсатиш бўйича 2007 йил 5 октябрьда Тошкент шаҳрида тузилган сайловчилар ташаббускор гуруҳи.

Мулоҳаза, мушоҳада ва таклиф

САЁЗ СЕРИАЛЛАР КИМГА КЕРАК?..

ёхуд уларнинг ёшларга таъсири хусусида

Ишдан, ўқидан ҳориб уйга қайтган, кечки пайт, албатта, оила даврасида «ойна» жохон» қаршисига ўтирамиз. Телевизорга нигоҳимизни қандаймиз. Телевиденининг барча каналлари хорижий сериалларга тўла: «Муҳаббат дардлари», «Ойла ришталари», «Ишқомли уй», «Аччиқ ёлгон», «Кўнгил риштаси», «Эгизаклар», «Айро тақдирлар», «Қуз симфонияси», «Довжур самурай», «Гурур» каби телесериалларни кўрмайдиган юртдошларимиз кам топилса керак. Дастлаб мексикаликларнинг узундан-узқ «Бойлар ҳам йилгайди» сериали намойиш этилганди. Аввалига «Ўзбекистон» телеканалида кўрсатила бошланган

хорижий сериаллар кейинроқ «Ёшлар», «Тошкент», «Спорт» телеканалларини ҳам забт этди. Тўғри, кейинги 3-4 йилда жамоатчилигимиз, айниқса, ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз сериалларга ўз муносабатларини ва таклифларини матбуотда эълон қилиб келишмоқда. Натيجанда шарқона, ўзбекона маданиятимизга, ахлоқ мейёрларимизга тўғри келмайдиган сериалларга бир қаҳар барҳам берилди. Бироқ, эндиликда барча телеканалларини ташкил турк, корейс, япон, хитой сериаллари эгаллади.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон ҳафта ичида

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида уч йилдан буён ўтказиб келинаётган «Янги авлод» болалар ижодий фестивалининг Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқардарё вилоятлари вакиллари ўртасида ўтказилган ҳудудий босқичи якунланди.

Республика Халқ таълими вазирилик, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Асия Иншуранс» (Asia Inshurans) сўғурта компанияси пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия концертини ташкил этди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида «Ипак йўли туризми» XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ташаббуси билан эълон қилинган «Йил аёли» танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда «Қурилиш. Қурилиш техникаси ва материаллари» мавзусида тўртинчи халқаро кўрғазма очилди.

Пойтахтимизда Халқ таълими вазирилик томонидан «Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

«Адолат»га обуна бўлинг!

Азиз газетхонлар! Мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳалардаги янгиликлар, ўзгаришлардан йил давомида хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми? Унда «АДОЛАТ»га обуна бўлишга шояининг!

«АДОЛАТ» гошмий ҳамроҳиниёз бўлсин!

Фракция йиғилиши ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари Дилором Тошмухамедова бошқарган йиғилишда Қонунчилик палатасининг йлпи мажлиси кун тартибига киритилиши кўзда тутилган бир нечта муҳим қонун лойиҳалари кизгин муҳокама қилинди. Мажлисда депутатлар, ташкилот ва идора вакиллари иштирок этди.

Даставвал кун тартибидеги биринчи масала бўйича «Ўзбекистон Республикаси Бюджетномаси — 2008 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисида» Молия вазирилик ҳодими С.Бекенов мазкур масалани тингладди. Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Покистон Ислам Республикаси Хукумати жинорий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбеки-

стон Республикаси Хукумати билан Покистон Ислам Республикаси Хукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги битимни ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида мазкур қонун лойиҳалари нечоғли аҳамиятли эканлиги депутатлар томонидан эътироф этилди.

Мажлисда таъкидлангандек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳоли даромадлари даражаси ва фаровонлигини изчиллик билан ошириб боришга, эҳтиёжманд қатламлар, хусусан, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юритиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

2007 йил 23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатларини сайловчилар сонини ҳамда округ сайлов комиссиялари қарда жойлашганлигини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қамиди етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қўлайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги сайлов округларига кирди.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига кирди. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

(“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонундан)

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

(Давоми. Боши 1-бетда)
“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш киритишлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини мана шундай саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми ўлароқ баҳолаш мумкин. Қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида, таъкидландики, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2007 йил 19 мартда ҳамда “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган Фармонлари давлатимиз раҳба-



ри томонидан илгари сурилган вазифаларнинг бағоят муҳимлиги ва алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Ийгилишда “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2382-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилди. Ўз мухбиримиз Н.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

“АДОЛАТ” СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Тошкент шаҳридаги Ҳамза, Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Яққасарой туманларида “Адолат” СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловидаги иштироки бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда туман партия Кенгашлари аъзолари фаол иштирок эттиди.

Бўз ва Асака туман Кенгашлари ташаббуси билан “Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йили” мавзусида учрашувлар ташкил этилди.

Булунгур туманида Рамазон ҳайитига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Оғир ётган беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам овқатлари тарқатилди.

Маърузани ўқиб

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Ўтган асрнинг алғов-далғовли 90-йиллари боши. Етмиш тўрт йил собиқ иттифок тизминда бўлган Ўзбекистон энди “марказ”нинг чизиб берган чизигидан чиқа бошлаган кезлар...
Ушанда осон бўлмади. Таъминотда ҳам, тақсимотда ҳам узилдишлар юзга келди. Ҳатто ўзимизда чиқиб турган маҳсулотларни ўз нархида сотиб ҳам ҳаққимизни ўндириб олиш мушкуллашди. Ишлаб чиқариш жараёнлари бошқа минтақалар билан боғлиқ бўлган қўллаб-саноат корхоналари сал бўлмаса тўхтаб қолаётди...
Президентимиз Ислам Каримов ўша кезларни XII чақирғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясидаги (1992 йил, 2-3 июль кунлари) маърузасида образли тарзда: “Дунёга келган чакалок аввал эмаклаб, кейин тоғопга бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон тугилган кунийк оёқ туришга, ўзи юришга мажбур бўлди”, дея таърифлаган эди.

Дарҳақиқат, ушанда ички сиёсатимизни ўзимиз энди-энди бошқара бошлагандик. Ташқи сиёсатда эса тажрибага эга эмасдик. Дунё бозори, банклар, тижорат фирмалари билан алоқамиз йўқ эди. Худди шундай муаммоларни назарда тутиб (ўша сессияда) Президентимиз Ислам Каримов куюниб айтдилар: “...Озолигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг исзатиини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади”.

Шундай йўлни танладик. Истиклолнинг илк кунидан бошлаб, бировлар сингариди садақага қўл ўзимиз, ўз қадр-қимматимиз билан ўзимизни ўзгалар даврасида тенг тутиш ва ўзига беқ – ЎЗБЕК бўлиб қолиш йўлини танладик. Дунё сиёсатдонлари, иқтисодчилари ва ишбилармонларига айтди: “Биз билан тенг туриб гаплашиш, ҳамкорлик ҳалол бўлсин!”
Хуллас, уларни ишонтирдик. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон Республикасини тан олди.
Яратган: асранганни ўзим асрайман, деган. Шундай бўлди ҳам. Биз Тинчлик ва Оқойишлик йўлини танладик. Бозор муносабатларига шошмасдан, босқичма-босқич ўтишни афзал кўрдик. Негаки, 74 йил бошқа бир тузумда яшаб, бирданига бозор иқтисодиётини тағдиланган бўлишди. Негаки, муайян даражадаги иқтисодий базага эга бўлмай, боз устига, халқ истеъмоли молларининг қариб 60 фоизга қиннини четдан олиб келиб, ўзимиз эса фақат хомаш ётиштириш билангина шугулланган бир пайтда бундай қилмасдик ҳам. Юртбошимиз буни халққа очик айтди: “Ўзбекистоннинг йўли шунки, биз тинчлик ва оқойишликни сақлаб, бозор иқтисодиётини ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғлаш...”
Холбуки, эндигина шакллана бошла-

ган бозор иқтисодиёти таркиби ҳам силлиқинга кечмади. Одамлар онгда шуро даврининг “ижтимоий тенглик” тушунчаси бирданига йўқолиб кетмади. Кишиларда: “Яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам барибир давлат боқадим”, деган қолоқ тушунча мустақилликдан кейинги 5-6 йил мобайнида ҳам “кўриниш” бергани сир эмас.
Худо бизга қувват берди, сабр ва бардош берди. Танлаган йўлимизда собит туролдик. Ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишини – **чинакам мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш, чинакам, халқчил, инсонпарвар жамият қуриш**, деб билдик. Давлатимиз раҳбарининг миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура борасида айтган мана бу сўзларига астойдил таъниди: “**Бозор иқтисодиётини ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз. Ўзбек халқи азиздан жамоа туйғусига мойил.** Биз тўғай ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттагин ҳурматини, кичикининг исзатиини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, ҳуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз”.

Эйтиб қилинг, бу гоёлар, бу фикрлар замирида умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик тамойилларига, халқимизнинг бағрикенглик анъаналарига, миллий урф-одатларига, маънавиятига, маърифати ҳамда маданиятига ҳурмат муҳассас.

Ўн олти йилки, бу гоёлар замиридаги эзгу ниятлар, даъватлар, айниқса ижтимоий соҳада давлатимиз сиёсатининг етакчи мақоми бўлиб келмоқда. Президентимиз шу йил 30 август кунини бўлиб ўтган қўшма мажлисдаги “Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли” номли маърузасида айтганидек, “**Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгиланишга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик**”. Ана шу катта эътибор – муҳтожалар, ногиронлар, кам таъминланганлар ва қарияларга алоҳида гамҳўрлик қўрсатишга қаратилган қарорлар ҳамда қўламли тадбирлар ҳаётга тобора кенг жорий этилаётгани маърузада қуқур қиёсий, илмий таҳлил қилинди. Жамиятда ўзаро аҳиллик, иноқлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик муҳити барқарор тус олаётганини ёрқин мисолларда, далилларда қўрсатиб берилди. “Инсон манфаатлари йили”ни олсизми, “Оила йили” ёки “Аёллар йили”ни олсизми, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”, “Обод маҳалла йили”, “Меҳр ва мурувват йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” ва ниҳоят, “Ижтимоий ҳимоя йили”ни олсизми, ҳаммасида умуминсоний фазилятлар мустаҳаб топмоқда. Биргина

Мустақиллигимизнинг ўн олтинчи фасли – ўтаётган “Ижтимоий ҳимоя йили”нинг олинги: йилнинг биринчи ярми якунисига қўра, юқори суръатдаги иқтисодий юксалиш аҳоли бандлигини, унинг реал даромадлари ва турмуш даражаси яхшиланиб боришини таъминлади. Аҳолининг реал пул даромадлари 21,3 фоиз, ўртача ойлик иш ҳақи 48 фоизга ошди. Бандликни таъминлаш бўйича худудий дастурларга мурофида, 314 мингта иш ўрни ташкил этилди. Натижанда иш билан банд бўлганлар сони 10,6 миллион кишига етди. 28,5 мингта кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол берилди. Бандликка қўмақлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 7,4 мингта кам таъминланган оилага 5,7 миллиард сўмлик микрокредит ажратилди. Ногиронлар учун 2049 та иш ўрни яратилди. Ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 30,8 минг нафар ёлғиз кишиларга моддий ёрдам қўрсатилди. Эҳтиёжманд оилаларга бериладиган нафақа ва моддий қўмақнинг ўртача миқдори 38 фоизга қўлайд. Ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш йўлида уларга тижорат банклари томонидан 20,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди...
Буларнинг барчаси маърузада “**Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажига учун**” деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим эзгу муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”, деган сатрларда тўла намойен топти.

“**Бизнинг иқтисодиёт, сиёсат, давлат-ҳуқук ва суд соҳасида амалга оширилган барча ўзгариш ва ислохотларимиз, – деди Юртбошимиз уқтириб, – пировард натижада ягона мақсадга – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини исчиқ ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзини интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиш беришга қаратилган даркор**”.

Айни шу ягона мақсад йўлида ўн йил ичда амалга оширилган барча улғувор ишларимиз натижалари – сарҳисоб маърузада буртиб турганиги бугун нафақат юртимиз, балки жаҳон давлатлари сиёсатдонлари томонидан ҳам очик эътироф этилмоқда.
Мухтасар айтганда, ота-боболаримиз асрлар оша интилиб яшаган Истиклол, мана, бу йил 16 ғша тўлди. Бу ўн олти ўшни, таъбир жоиз бўлса, уйғониш даврини йиллари, дейиш мумкин. Негаки, бу йилларда инсонийликни ҳар нарсадан азиз билган Ўзбекистон, Ўзбекистонликлар доимо ўзига беқ – ЎЗБЕК бўлиб қолиш йўлини танлади. Бу танлов ва уйғониш тамойиллари унинг Конституциясида, Байроғида, Гербида, Мадиҳиясида, янги Кодекслари-ю Қонуналарида, ички ҳамда ташқи сиёсатида, ижтимоий-иқтисодиёти, маънавий-маърифий жабхалардаги қундалиқ ишлари самарасида яққол намойен бўлмоқда.
Биз танлаган йўлнинг моҳияти, мазмун-маъниги шу!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

“Адолат” СДП Фарғона вилоят Кенгашининг кенгайтирилган Пленуми бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар Кенгашларининг котиблари, партия фаоллари қатнашди.

Кун тартибига қўйилган биринчи масала – Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг шу йил 23 декабрда ўтказиладиган муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки тўғрисида вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Н.Шодиёв сўзга чиқди. Ўзбекистон “Адолат” СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига курсатилмаётган бўлажак номзод тўғрисида вилоят Кенгаши котиби А.Хусанов маърузаси тингланди. Маърузалар юзасидан бўлган музокараларда вилоят Кенгаши депутати, Марғилон иқтисодиёт колледжи директори Ж.Қўчқоров, Марғилон шаҳар Кенгаши биринчи котиби Ф.Алижонов, Бувайда туман Кенгаши Биринчи котиби М.Эргашева, Сўх туман Кенгаши биринчи котиби Р.Тоировлар ўз фикр-му-

Партия кўзгуси

лоҳазаларини билдирди. Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг навбатдаги қурултойида иштирок этадиган делегатларнинг номзодлари ҳам партия фаоллари томонидан маъқулланди. Пленумда партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати И.Саифназаров қатнашди ва партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Пленум якунида тегишли қарор қабул қилинди. А.МАҲМУДОВ, “Адолат” мухбири

БАЛЛИ, ПАРТИЯДОШ!

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси, меҳнат фахрийси Рубия Ҳасановани Термиз шаҳрида таниманг киши кам топилади. Негаки, у бутун умрини яхшиликка, эзгу ишларга бағишлади, эл-юрт фаровонлиги йўлида тиним билмай ҳалол меҳнат қилди. Айниқса, шаҳар ҳокимлиги хонлиқ-қизлар қўмитаси раисаси сифатида олиб борган саъй-ҳаракатлари билан элнинг назарига тушди. Рубия опа бугун нафақа-

бусини ўртага ташлади. Ўртага ташлаганига эмас, аввало, бу борада барчага ўзи иборат қўрсатди. Партия фаоли ўз нафақаси ҳисобидан шаҳардаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Настя Тамарова ва 6-синф ўқувчиси Дилобар Турсуноваларга йил давомида ойига маълум миқдорда стипендия берадиган бўлди. Балли саховатпаллаб, ташаббускор партиядош! Турсун МАҲМАДАТНОВ, “Адолат” мухбири

ОФТОБ НУРИДА ТАБИАТ ЯРҚИРАЙДИ, СТАТИСТИКА ҚИЁСИДА ҲАҚИҚАТ...

“Бугун мамлакатимиз ҳаётида барчамизга мамнуният ва қувонч отказадиган ажойиб бир кун, – деб бошлади мамлакатимиз Президентини икки кун олдин “Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига” йўлланган табрик хатини. – Юртимиз пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юкка кирмон бўлиб эътиб, катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар...”

ди. 50-55 центнерлик марпарага чиққан фермерларнинг галаба билан кенг қулоч-ла кучиб қўтласам дейсан...
Бу йил улар йил бўйи тер тўққан кенг пахта пайқалларида 1067 та чоқиқ ва транспорт тракторлари, 458 та трактор тиркамалари, 926 та культиватор, 760 та чигит экиш севкалари, 549 та турли хил пурмагиллар, 100 та “МХ” русумли трактор, 261 та “ВТ-150” ва “Т-4” занжирли хайдов тракторлари унмил ишлатилганидан ва охириқабат қўлган ҳосил ҳам, даромад ҳам олинганидан қўнглинг росттақамига шодликка тўлади...
– Хали далаларда ҳосил мўл, – дейди телефонда Амударё туман ҳокими Ражаббой Йўлдошев. – Уни ҳес-нобул қилмасдан териб олиш қўмуллари жадал давом этмоқда. Айни чоғда келгувчи йил ҳосилининг ҳам баракали бўлиши учун кузги-киши ишлар таралдудини кўраймиз...
Қаранг, етиштирилган қўли хосилини увол қилмай териб олиш жараёнлари тургани йўғ-у, чинакам ер соҳиб келгуси йил хирмони ташвишини ҳам қилаяпти. Бу нима? Бу – бугунги мустақил ўзбек деҳқонининг доим ўз ери, ўз мамлакатини нуфузи, давлатимизнинг, мурод мақсади йўлида элим деб, юртим деб ёниб яшашига оидин бир қиёс. Зеро, офтоб нурда табият юзи ярқирагандак, қиёсда ҳақиқат юзи ярқирайди. Ҳақиқат, бу – бугун куз тарозисида 3 миллион 600 минг тонналик тош босиб, энди паллага қўйилаётган 4 миллион тоннага яқин залворли юк – “Оқ олтин” юки, статистика ҳақиқати!

Истиқлол йилларида-чи? Республикаимиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан илк кунларданок қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш бошланди. Ҳукуматнинг соҳага молиявий ёрдамни қўйиб қўйди. Пахтакорларни енгилликлар яратилди, иқтисодий имтиёзлар берилди. Ишлаб чиқаришга қўмақ-техника ютуқлари, илгор технологиялар жорий этилди. Чигит экиш, гўза ниҳолларини тўла ўндириб олиш, саратон жазирасида парваршишни жойига қўйиш, ҳосилни оғир оғир олиш – барча жараён орқилик қўтовларсиз, худда-худда сўроғу терговларсиз бажариладиган бўлди. Одамлар онг-тафакурида ўз ери, ўз юртига меҳр туйғиб тургилди. Ҳаётга фаол муносабат кучайиб, эртанги кунга ишобан орта борди.
Қаранг, жамият ҳолати кеча қандай эди-ю, бугун қандай? Шунга айтиладилар-да, статистика – жамият ҳолати қандайлигини тавсифловчи чинакам кўзғу, деб. Шунга айтиладилар-да, статистика – нафақат мамлакатнинг оддий нуфузи (имиж-лик), балки унинг давлатмандликни тасдиқловчи ойна, деб. Бу йилги кўзғу, бу йилги ойнага назар ташланг: Ўзбекистон тарихида илк бор юз фоиз пахта ҳосилини фермер хўжаликлари яратдилар. Ек-тар бошига ўртача ҳосилдорлик даярили 26 центнерни ташкил этди. 86 фоиз хомашё биринчи навларга топширилди. Пахта етиштириш билан банд бўлган ҳамма тоифадаги ки-

Публицистика
даражаси эса 15,1 фоизга етиши кутилляпти.
Бул миллирлар, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари табриғида таърифланганидек: “...ерга кўз тикиб яшайдиган минг-миляб, балки миллионлаб инсонларни, уларнинг ўз пешона тери, ҳалол меҳнатидан даромад топиб, шунинг ҳисобидан оила тебратиш, фарзандларини уй-жойли қилиш ҳақидаги оруз-ниятлари...” хизматига бўлади.
Бугун қўнғилларимиз шодликка тўлиб турган кезларда мамлакат оқсак пахта хирмониға салмоқли улуш қўшиб, шартнома режасини шараф билан адо этган Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Андижон, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари миришкорлари ибратига тасанолар айтгангиз келайди. Ҳосилдорликнинг гектар бошига 30-35 центнерга етказган Амударё, Нарпай, Денов, Сарриосент, Шўрчи, Пахтабод, Вобкент, Пахтакор, Косон, Қарши каби ўнлаб туманларнинг барча пахтакорлари-ю хашарчилари химматидан қалбимизга завқ ина-

А.ЖАЛИЛОВ, “Адолат” мухбири

БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

Бугунги кунда иқтисодиёт таянчи бўлган солиқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар жамият ривожига хизмат қилмоқда. Чунинчи, ҳукуматимиз томонидан хусусий бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар, иқтисодий эркинликлар яратилаётгани улар фаолиятининг жадаллашувиға замин яратмоқда.
Бу борада Самарқанд туман Давлат солиқ инспекциясида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга қўра тадбиркорлар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти.
– Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига

да қискартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар 4 йилда кўпи билан бир мартаба, бошқа тадбиркорлик субъектлари эса ҳар 3 йилда кўпи билан бир мартаба режа асосида текширишга рухсат этилган.
Шуни таъкидлаш жоизки, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатиға олинган пай-

тдан бошлаб 2 йил мотабайнда режа асосида текшириш ўтказилмайди. Фармонга асосан хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар сони кескин қискартирилмоқдаки, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари ўзгармоқда.
Туман ДСИда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ва туман худудий комиссияларининг “Ишонч” телефонлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар хизматида.
О. ҲАКИМОВ, “Адолат” мухбири

21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Ватан ягонадир, Ватан биттадир

ТИЛНИНГ ҚАДРИ — ЭЛНИНГ ҚАДРИ

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам ўн саккиз йил бўлди. Бу давр ичда тилимизнинг обрў-эътибори қайта тикланди. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 1-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани амалда ўз ифодасини топди.

Ҳозир дунё аҳолиси сони 6 миллиарддан ошиб кетди. Ер юзидаги халқлар 2979 тилда гаплашади. Улар орасида истеъмолдан чиқиб бораётган ёхуд бор-йўғи бир неча минг кишигагина сўзлашадиган тиллар ҳам бор. Жумладан, бир миллиондан зиёдроқ аҳолига эга Доғистонда қирққа яқин тил амал қилиб келмоқда. Агарда дунё бўйича Давлат тили мақомига эга бўлган тиллар сони юзтага етар-етмаслигини ҳисобга олсак, она тилимиз билан ҳар қанча фахрлан-сак арзийди.

Ўзбек тили узоқ тарихга, бетакрор жозиба ва назокатга эга. Сайёрамизда бу тилда сўзлашувчилар сони ўттиз миллиондан ошди. Бошқача айтганда, дунёда ҳар икки юз кишидан бири ўзбекча гаплашади.

Маълумки, миллий ўзбекча англашнинг энг муҳим белгиси тилдир. Тил миллиятни миллият бўлиб шаклланишидаги энг муҳим шартлардан бири. Тил бўлмаса, эл ҳам, миллат ҳам бўлмайди. Тил миллат тириклиги, унинг яшаб турганлиги белгисидир. Тилга берилган эътибор миллатга эътибор бўлиб, тилнинг қадри — элнинг қадри саналади.

Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур.

Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур», деб миллат тилига юксак баҳо берган эди. Бинобарин, халқнинг миллий тафаккур тарзи она тили асосида шаклланади. Миллий тафаккури тил, адабиёт, маданият ривожига билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юксалиб боради. Бу жабҳаларда ҳар қанча тўхтаганда эса, тафаккур бир жойда қотади. Шунинг учун ҳам ўзга халқларни истибоддан занжирда ушлаб туришни истаган мустамлакачилар айнаи шу омилни ишга солишган. Чунончи, Чор Россиясининг Фарғонадаги генерал-губернатори М.Скобелевнинг бир пайлар: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи ҳам адоий тамом бўлади», деган сўзларини шу ўринда бир эсга олиш жоиз кўринади. Тарихга назар ташласак, қарийб 130 йиллик мустамлакачилик даврида ҳукмрон мустабид сиёсат юртимизда айнаи шу тўтум асосида иш юритилди.

Халқимиз асрий орзуларининг рўёби бўлиши истиқлол истибодда барҳам берди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан, миллий тилимизнинг ривожига унинг кенг йўл очилди. Ўзбек тилининг қоний ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда улуғ мақсадга эришилди. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик сари кўйилган дадил қадамлардан бири бўлди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонун қабул қилинган пайтда ҳали мустабид тузум «эгарда» эди. Шу боис, баъзи моддаларда ўзбек тилининг ҳақиқий маънодаги давлат тили мақомига соя солувчи унсурлар сақланган, мустақиллигимиз талабларига мувофиқ келмайдиган жиҳатлар, тахрирталаб ўринлар анча-мунча бор эди. Ана шундай зарурий эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрда янги тахрирдаги «Давлат тили ҳақида»ги қонунни қабул қилди. Аввалги қонунда 30 та модда мавжуд бўлган бўлса, янги тахрирда зарур бўлмаган айрим моддалар қисқартирилиб, давлат тили сиёсатининг асосий йўналишларини аниқ белгилаб берувчи қоидалар 24 та моддага жамланди.

Қонун қабул қилинган дастандаги йилларда ўзбек тилининг софлиги, тозаллиги учун курашга оммавий равишда киришилди. Бу маъқул иш эди, албатта. Аммо, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос Озод Шарафидинов таъкидлаганидек: «Билган ҳам, билмаган ҳам ўзбек тилининг тўла бойлигини «янгилаш» иштиёқига тушиб қолди, топанг ушанда бир боғ гул, топанг пивёз кўтариб кела бошлади». Ўзбек тили қонунларидан етарли даражада халқардо бўлмасдан туриб танланган, тилимиз табиғатга ёт, сунъий ясалган сўзлар пала-партиш қўлланила бошланди. Жумладан, «ма-

жалла», «олийгоҳ», «минбаргоҳ», «ноҳия», «тайёрагоҳ» каби бир қанча сунъий ясалган сўзлар ўзбек тилининг софлигига хизмат қилади, деган илмий нотўғри тасаввур пайдо бўлди. Лекин, вақт ўтиши билан бу сўзлар тилимизга сингмай, ўз-ўзиндан истеъмолдан тушиб қолди. Чунки тил сунъийликини кўтармайди. Унинг лугат бойлигини зўрма-зўраки кўпайтириб ҳам, озайтириб ҳам бўлмайди.

Бугун Ўзбек тили қутлуғ истиқлол туфайли нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Жаҳоннинг энг ривожланган Япония, Германия, АҚШ каби мамлакатларида она тилимизга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда, ўқув даргоҳларида ўзбек тили кафедралари фаолият кўрсатмоқда, ўзбекистонлик тилшунос олимлар сабоқ бериш учун хорижга таклиф этилмоқда.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганнинг ўн саккиз йиллигини нишонлар эканмиз, унинг ҳар бир моддаси ва банди амалда тўлиқ қўлланилаётгани, деган савол туғилиши табиий. Шунга таъсир билан эътироф этиш ўринлики, айрим ташкилот, корхона ва идоралар иш юритишда қонун талабларига ҳамма вақт ҳам тўла-тўқис риоя этишмаяпти. Қонуннинг 20-моддасида «Лавҳалар, эълонлар, нарҳномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда озғани ахборот матнлари Давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин», деб ўқитилган.

Афсуски, жамоатчилик эътибори тушадиган баъзи бир жойларда қонуннинг ушбу талабларига ҳаммаша ҳам амал қилинмаяпти. Транспорти воситаларининг ички ва ташқи томонларига ёпиштирилган турли рекламалар, кўчалардаги афишалар, айрим маъиший, маданий ва маърифий шохобчалар пештоқларида «мороженое», «сантехника», «салон красоти», «стоматология», «библиотека» каби ёзув-лаваҳалар ҳам қонундан четга чиқиш ҳоллари такрорланаётганини кўрсатади.

Узлгимиз кўзгуси бўлган «Давлат тили ҳақида»ги қонун демократик жаҳият кураётган мамлакатимизнинг муҳим давлат ҳужжатларидан бири сифатида нафақат ўзбек тилини, балки Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг тилларини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий имконият яратди. Демак, ўзбек тили шунчаки алоқа воситаси эмас, балки у халқ маданияти ва маънавиятининг, миллат мафқурасининг таркибий қисmidир.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши она тилимизнинг мустақиллик шароитида бекиёс ривожига чиқмаган асос бўлди. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ба-жариллиши эса, тилимизга ҳурмат ҳамма вақт ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлмоғи кераклигини талаб этади.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи
Ахборот-ресурс маркази раҳбари

ОСИЁДА ПОРЛАЁТГАН ЮЛДУЗ

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда дунё харитасида 230 та мамлакат қайд этилган. Уларнинг 190 дан ортиғи мустақил давлатлардир. Шу мамлакатлар орасида бугунги кунда сиёсатчилар томонидан «Осиё юлдузи» дея таъриф берилган Ўзбекистоннинг ўз ўрни, тараққиёт йўли бор.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 16 йил бўлди. Утган қисқа даврда мамлакатимиз асрага татиғулик йўлни босиб ўтди, юртимиз тараққиётида улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, дунёга кўз-кўз қилса ариғулик ютуқлар қўлга киритилди. Мухими, Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг илк босқичида энг обрўли, нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди, юзлаб давлатлар билан дўстона алоқаларни ўрнатди ва бу муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Албатта, бу эзгу ишлар замирида Юртбошимизнинг оқилона, доно сиёсати мустақил тараққиёт йўлининг оламшумул аҳамиятини Президентимизнинг 30 август кунини Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Даволатимизнинг қўшма мажлисидаги маърузасида очик-ойдин ифодаланиб берди. Маъруза «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номида китоб ҳолида чоп этилди.

Бу асар ўзининг теран мазмун-моҳияти билан мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни нечоғли юксак эканини кўрсатиб берди. Зотан, Президентимиз кучли давлатдан кучли фуқаролик жаҳияти сари дадил одимлаётган мамлакатимизнинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли ҳақида тўқталар экан, тарихимизда ўзига


хос ва ўзига мос ўрин эгаллайдиган икки давр — миллий давлатчилик асосларини шакллантириш ҳамда фаол демократик ўзгаришлар ва мамлакатни модернизация қилиш давларининг аҳамиятини тўлиқ, тушунарли тарзда очиб берган.

Мухим вазибаларга тўқталар экан, Юртбошимиз мамлакатимиз жон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб даврда ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини алоҳида қайд этганлар. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, ана шу сиёсатгина Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларига, гувоҳ бўласиз. Бундай улуғ ишларни қўриб, беихтиёр кўнглингизда шукроналик туйғуларини тусиз, мустақиллик қанчалик тотли неъмат эканлигига амин бўласиз: Дунё харитасида «Осиё юлдузи» сифатида порлаётган она-Ватанимизга, қадри бандан Ўзбекистонимизга кўз тегмасин.

М.АЛИЕВА,
Тошкент молия институтининг ўқитувчиси,
О.БОЗОРОВ,
институт талабаси

ШИФОХОНА ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



бўлимларида малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Болалар шифохонасининг тақдимот маросимида соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ҳамда жанубий корейлик ҳамкорлар иштирок этишди.

Пойтахт вилоятининг Уртачирчиқ туманида 60 ўрилли болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди. Қисқа вақт ичида жанубий корейлик ҳамкорлар кўмагида сифатли таъмирдан чиқарилган тиббийет муассасаси эндиликда барча қўлайликларга эга бўлди. Чунки шифохона энг сўнги русумдаги тиббий аппаратуралар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бунинг учун 500 минг АҚШ доллари миқдоридagi эрант маблағи сарфланди. Ҳозирда шифохонанинг барча



ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБОР ҲАҚ ҚАРОР ТОПДИ

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролар эркинлигини, ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоялайди. Лекин баъзи мансабдор шахсларнинг ўз мансаб лавозимларини суистеъмол қилиши ёхуд айрим фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари натижасида кўпга қонунбузарликлар ҳам содир этилмоқда.

Паркент тумани прокуратураси томонидан халқ таълими бўлими маъмуриятида амалдаги меҳнат қонунчилиги, ходимларнинг ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижроси аҳолининг ўрганилганда, маъмурият томонидан ходимлар билан боғлиқ бўлган буйруқларнинг чиқарилишида, меҳнат шартномаларининг бекор қилинишида ҳамда ходимларнинг ишга олишда амалдаги Меҳнат кодекси талабларини қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Чунончи, тумандаги 27-умумий ўрта умумтаълим мактаби ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари С.Аҳмедов билан боғлиқ меҳнат шартномасини бекор қилишда ана шундай қонунбузарликларга йўл қўйилган. Жумладан, С.Аҳмедов 2007 йил 19 апрел кунини вилоят халқ таълими бўлими бошқармаси бошлиғи номига ўз хоҳишига кўра ва-

тимойий ҳимояси билан боғлиқ бўлган қонунлар ижроси ўрганилганда ҳам жиҳдий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинаётганлиги маълум бўлди. Жумладан, кутубхоначи лавозимда ишлаган Ҳамид Рўзитоёвнинг 2006 йил 26 март кунини туғилган фарзанди Муниса Қўзиева учун икки ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун берилган қонун нафақа пулларини 2007 йил 30 июль кунинга қадар тўланмай қўйилган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 234-моддасида ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар таътил берилади, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланиши белгилаб қўйилган. Шунга қарамадан, коллеж маъмурияти томонидан, негадир, утган давр мубайнида Х.Рўзитоёвага болани парваришlash нафақаси берилиши «пайсалга солиб қўйилган. Бу ҳолат атрофилига ўрганиб чиқилган. Х.Рўзитоёвага 124 минг 200 сўм миқдоридagi бола нафақаси берилиши таъминланди.

Ш.ЭШОНОВ,
Паркент тумани прокуратури ердამчиси

ХУСУСИЙ ФИШТ ЗАВОДИ

Кейинги йилларда Зарафшон шаҳрида кўпга турар жой бинолари ва маданий-маъиший иншоотлар қад ростлади. Иккита касб хунар коллежи, битта академик лицей ва иккита янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бундай бунёдкорлик ишлари, табиийки, қурилиш материалларига бўлган талабни оширади. Шунинг ҳисобига олган тадбиркор Рустам Боймуродов «Зарафшон фишт» хусусий корхонасини ташкил этди. Яқинда иш бошлаганига қарамай, заводда айнаи пайтга қадар уч миллион донадан ортиқ пишиқ фишт ишлаб чиқарилди. Корхонада йилга беш миллион донага фишт ишлаб чиқариш қувватига эга, дейди Р.Боймуродов. Корхонада йигирма киши меҳнат қилади. Йил охиригача яна миллион дона сифатли фишт ишлаб чиқариш ниятидამиз. Келгуси йилдан корхонамиз тўлиқ қувват билан ишга тушади ва ишчилар сони эллик нафарга етади.

Сўраган эдингиз

ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ НИМА?

Ҳадя шартномаси ўзаро келишувга асосланган икки ёқлама битим ҳисобланади. Бундай келишув ҳадя олувчининг унга таклиф қилинган мулкни қабул қилишини назарда тутаяди. Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади. Шартномада ҳадя нарсаи аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Ҳадянинг текинга берилиши ҳадя шартномасига хос хусусиятидир. Ҳадя қилишнинг сабаблари аҳамиятга эга эмас, шунинг учун улар шартномада кўрсатилмаслиги мумкин. Агар ҳадя қилувчи ашёдан фойдаланиш билан боғлиқ муайян мажбуриятларни ёки бошқа шартларни ҳадя олувчи зиммасига юклайдиган бўлса, ҳадя шартномаси текин ҳисобланмайди. Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда, ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин. Агар ҳадя қилиш шартлари ноқонуний бўлса, ҳадя шартномаси ҳақиқий саналмайди. Ҳадя олувчи ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтда уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган, деб ҳисобланади. Уни бекор қилиш ҳақидаги келишув тегишли идорада рўйхатдан ўтказилгандан кейин нотариал тартибда тасдиқланади ва ўша идорада давлат рўйхатидан ўтказилади.

А.ДУСТОВА,
Каттақурғон шаҳар 3-давлат нотариал идораси нотариуси

ТАРИХ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ

Ҳар қандай фан назарий қарашлардан амалий жараёнга ўтади. Назарийси ривожланувчи фан йўқ, шу жумладан, тарих фани ҳам. Ҳар бир фан ўз қонунчалари — мушоҳада усуллари, ўрганиш услубиятлари, фалсафий таълимига эга. Бу — фанининг ўзига хос ривожланиш тамойилларини белгиловчи усуллари.

Ш.ЕРМАХАММАД
Э.НАЗАРОВ,
ЎЗМУ Тарих факультети ўқитувчиси

Бухоро туманининг Галаосиё шахридаги Галаосиё кўчасида, дарвозаси кўйша қараган 58-хонадонда инглиз тили муаллими Омон ака Зарипов яшайди. Омон аканинг китобга меҳри баланд. Китобга ташналиги тўғрисида кўпчилик билан урғи-рашмади, дейсиз. Атоқли адиблар Чингиз Айтматов, Уйғун, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов уш қўллари билан унга дасхат ёзиб беришган.

Омон ака ҳақиқий адабиёт ихлосманди. Баҳс-мунозара, мазмунли суҳбатлар ишқибози. Бухоролик танқидчи шоир Самандар Воҳидов «Яшаш

даги уйни Омон ака китобхонлар учун мослаштирди. Уста чақириб, тўрт деворнинг шифтигача қилиб китоб жавонлари ясаттирди. Ун мингга яқин китоб шу катта хонага талханди.

Отаси Жўра бобо ўғлининг раъйини кайтармади:

— Сени илминг боқади, мен бунга ишонаман, — деб далда берди.

Омон Зарипов муаллимлик фаолиятини 1963 йили бошлаган. Тошкентда олинган беш йиллик таълим, ўзи қатнашган адабий гурунлар, шеърят кечалари, янги асарлар муҳокамаси, ёзувчилар, шоирлар билан мулоқотлар Омон муаллимнинг тилини бийрон

ларим эди. Газета харид қилиш учун киоскага бош сўксам, сотувчи аёл бир чиройли китобни арақлаб ўтирибди. Бир лаҳзага сўраб олиб кўз югуртирди. Китобга шоир аёл кишининг номига дасхат битиб берган экан. «Шу китобни эртагача бериб туролмайсизми?» десам, опахон: «Сотиб олақолинг», деди. Дарҳол пулини тўлаб, китобни олиб йўлимга равона бўлдим. Китоб дасхати гарчанд менинг номимга ёзилмаган бўлса-да, Хайридин Салоҳдек улкан шоирнинг дасхати мен учун қадрли.

2003 йил «Обод маҳалла йили», деб эълон қилинганда Омон Зарипов ўйлаб

КИТОБ - ОФТОВИМ МЕНИНГ

хуқуқи» шеърини китобхон дўсти Омон Зариповга бағишлаган. Унда шундай сатрлар бор:

*Қадамиз зарбидан гуллар унмаса,
Қалбидан меҳрининг чўи сўнмаса,
Муруват чамимаси тошса, тишмаса,
Уйишдан дўстларинг оёқ узамаса,
Пок имон яшадим десанг, ҳаққинг бор.*

Китобга, адабиётга ташналик Омон Зариповда ўқувчилик йилларида бошланган. 10-12 ёшларида эртақлар оламига шўнғиди. Туман, вилоят газеталарига кичик-кичик хабарлар ёзиб турди. Бир-икки сўмлик қалам ҳақиға ҳам китоб харид қилиб, мутолага берилди. Мана, элик йилдирки, Омон муаллим китоб йўлида, китоб саралайди. У ўқимаган китоб кам қолган. Жаҳон адабиёти дурдоналари, мумтоз шоирларимиз асарлари, қардош халқлар адабиёти намуналари унинг қалб прамасидан ўтган, десам ишонаверинг. Шахсий кутубхонасида беш мингдан зиёд китоб жамланган.

Аллома адиб Асқад Мухтор билан қилган мулоқотлари Омон аканинг ёдидан чиқмайди. Ушанда Асқад ака зукко китобхонини кўп яхши сўзлар билан сийлаган: «Эй, Омонбой, кошқир дўст хамма китобхонлар ҳам сиздай заковатли бўлса», дея алқаган.

— Асқад Мухторнинг хамма асарларини ўқиганман, — дейди Омон ака, — аммо «Тундалиқлар» мени ўйлатди. Чунки мағзли китобнинг ўзига яраша юки бўлар экан.

...Саксонинчи йиллар бошида Омон Зарипов янги ҳовлига кўчди. Меҳмонхонага ажратилган дарвозахона олди-

Очерк

қилиб Бухорога кузатди. Ёш муаллимнинг насибаси бутун экан, кўп ўтмай уни Бухоро туман халқ таълими бўлимига ишга чақирди. Роппа-роса 21 йил услубшунос бўлиб ишлаган Омон ака туман таълим тизимида касбдошларига намуна бўлди.

Омон ака нафақага чиққач, ҳовлисининг бир четида ўзи учун мутолага хонаси қурди. Сурат ва альбомларга тартиб берди. «Шарқ юлдузи», «Фан ва турмуш», «Гулистон», «Ёшлик», «Саодат» журналлари тахлamlарини чордоқдан олиб тушиб, мутолага хонасига алоҳида-алоҳида тахлаб қўйди. Бу ердан Омон Мухтор, Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳид, Садриддин Салим Бухорий, Нурали Қобил, Абдулла Шер сингари шоир ва ёзувчиларнинг дасхатлари битилган китоблар жой олди. Улар орасида Рудакий муқофоти соҳибиди, атоқли тожик шоири Лоик Шералининг дасхатига кўзим тушди. Омон ака мени кузатиб турган экан, изох берди:

— Шоирни Самандар Воҳид бошлаб келувди. Самандар ака Лоикнинг ўғли шэрларидан намуналарни ўзбекчага таржима қилиб, Тошкентда чоп эттирган эканлар. Китоб номи ҳам ўзига ярашкли — «Муҳаббатим». Китоб жавонимга ҳассос шоир, раҳматли Хайридин Салоҳнинг ҳам дасхат битган китоби бор. Тошкентда ўқиб юрган кез-

ўтирмай, 400-500 тажа журнал, китобни расталарга териб маҳалласида кутубхона ташкил қилди. Ҳозир ҳам маҳалланинг кексаю ёши, айниқса, мактаб ўқувчилари бу кутубхонадан баҳраманд бўлишати. Кутубхона эшиги кечаю кундуз очик.

— Китобга ошно бўлган киши босик, ўйлаб, маънили гапиралдиган бўлади, дейди Омон ака. — Мен эса элимга нафим тегаётганидан қувонаман. Раҳматли Асқад Мухтор жуда топиб айтганлар: «Сенинг ёнингда бир сўм бўлса, менинг ёнимда бир сўм бўлса, мен сенга бир сўмимни берсам, сен менга бир сўмингни берсанг, аввалгидек, иккимизнинг ҳамёнимизда яна бир сўмдан пул бўлади. Лекин сенда яхши бир фикр бўлса, менда яхши бир фикр бўлса, мен уни сенга берсам, сен уни менга берсанг, сенда иккита фикр бўлади, менда иккита фикр бўлади».

Ха, беминнат фикрни китоб беради. Китоб ўқиган асло ютқизмайди. Шунинг учун ҳам Омон ака баралла: «Китоб менинг офтовим, ҳаётим, у умрни чароғон қилади», дейди. «Энг яхши китобхон оила» шiori остида ўтказилган республика кўрик-танловида, бир неча йилдирки, Омон Зарипов оиласи Бухоро вилояти шаънини ҳимоя қилиб келади. Эзгу ишлар қилиб чарчамайдиган зукко муаллим Омон Зариповнинг эл орасидаги иззат-ҳурмати биланд. Шогирдлари кўп. Омон ака орада вақт топиб «Дасхатлар сўзлағанда» номли китобини нашрга тайёрламоқда.

Дилмурод ЖАББОР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ИВРАТ ОЙИНАСИ

маърифий, дам олиш саҳифаси

Табиат — табобатхона Бодом

Халқ табобатида ширин бодом мағзининг қанд билан аралаштирилгани дармонсизлик, нафас қисийш, бош айланиш ва йўталга даво сифатида ишлатилади. Аччиқ бодомнинг мусаллас билан қўшилгани эшакемини даволашда, асал билан аралаштирилгани эса тошма яраларни қуритишда даводир.

Қариқиз ўсимлигининг илдизини бодом мойига қўшиб дамлаб, сўнгра бошга суртилса, сочининг тўкилиши анча камаяди. Ширин бодом мойи ёки мағзи сувинга обдон эзиб аралаштирилса, бодом «сути» ҳосил бўлади. Бу «сут»дан ичилса, сийдик ҳайдовчи омил бўлиб хизмат қилади.

(«Шифобахш неъматлар» китобидан олинди.)



Биз чемпион бўламиз! П.ХАЙДАРОВ олган сурат

Иқтидор

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРИ

Баҳридин Абдиев ўқитувчилар оиласида камол топиб, улғайди. Доимо илмга чанқоқлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турди. Тинмай ўқиди, изланди. Бу сабъ-ҳаракатлар без кетмади.

Китоб туман халқ таълими бўлими тасарруфидоги 1-ихтисослашган мактаб-интернатни битирган Баҳридин Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида ўтказилган 48-халқаро математика олимпиадасида иштирок этиб, унчинчи ўринни эгаллади. Бугун у республикамиздаги нуфузли илм дароҳининг талабаси. Иттиҳонсиз ўқишга қабул қилинган Баҳридинга барча ҳавас билан қарайди.

— Халқаро олимпиадада 93 мамлакатнинг 522 вакили қатнашди, — дейди Баҳридин Абдиев. — Бундай муваффақиятга эришувимда, албатта, устозларимнинг хизматлари беқиёс. Қолаверса, мамлакатимизда таълим тизимига катта эътибор берилмоқда. Биз, ёшлар бунга жавобан қўниб ўқиб, мустақиллигимизнинг мустақамлаш шиги ҳисса қўшамиз.

Р.ШЕРҚУЛОВ

Ҳаёт сўқмоқларида

ОТА ВАСИЯТИНИ УНУТГАНЛАР

Уша кун гўё тонг билан тун қурашгандек бўлди — ака билан ука бегоналашди...

Азим билан Нозимни отаси, қазоси олдидан, ёнига чақириб шундай насиҳат қилди: «Болаларим, бу дунёда сизлардан бошқа меҳрибоним, сизлардан бошқа зуррийдим йўқ. Раҳматли онанг билан иккаламиз бутун умримизни сизларга бағишладик. Сизлар учун ўзимизни ўқ-чўққа уриб меҳнат қилдик. Уйли-жойли бўлганимизни раҳматли онангиз кўргангани мен бу дунёдан армонсиз кетардим. Оллоҳга беадаб шуқурлар бўлсинки, онангизнинг васиятларини адо этдим, чоғи, сизлар уйли-жойли, касби-хунарли, болали-чақали бўлдинглар. Қўзим тириклигинда сизларга бир гапни тайинлай: доимо аҳил-иноқ бўлинглар! Бизнинг чирғоғимизни ёқиб, шу катта ҳовлида хотин, бола-чақаларингиз билан аҳил яшаглар! Аҳил яшасанглар бизларнинг руҳимиз шод бўлади. Мабоодо, Худо кўрсатмасин, ораларингдан меҳр-оқибат кўтарилгудек бўлса, руҳимиз безовталанади... Бу васиятимни қулоққа қўиб, шунга амал қилинглар».

Қосим ота хотинининг вафотидан ўн беш йил ўтган, фарзандларини уйли-жойли қилиб, бу дунёни тарк этди. Азим билан Нозим умри меҳнатда ўтган одамоҳун, ҳалол ва ростўй падарини иззат-икром билан қабрга қўйди. Қишлоқнинг каттаю кичиги Қосим отанинг тобутини мозоргача қўлма-қўл кўтариб борди.

Орадан бироз вақт ўтди. Бир ҳовлида умр кечираётган ака-укаларнинг фарзандлари ўртасида чиққан майда-кўнглирилик икки ойсининг катта жоғаросига айланди. Уларнинг «ғиди-биди»лари, болаларининг ўртасига тушиб соч юлишлари меҳр-оқибатли ака-уканинг ўртасига совуқчилик тушира бошлади. Ака-ука бир-бирига тиш қайрайдиган, мушт ўқталадиган даражага борди. Бир дарвозадан кириб-чиқибтиб дуч келишса, юз ўгириб ўтадиган, ойсинлар бир-бирига аччиқ-тизик гап қиладиган бўлди. Оқибат шу даражага бориб етдики, битта ҳовлида яшаётган бу икки оила аъзолари бири-бирларини қўрмастик учун ҳовлини ажратиб ўртадан двор урадиган бўлишди. Томорқа ўртасидаги марҳума оназор эккан ва ҳар баҳорда наби-раларга насаб улашадиган

Эрта саҳардан доду фарёди эшитган кўни-қўшилар Қосим отанинг руҳимиз томон гурушиди. Воведан хабар топишган, биров бош чайкади, биров қўл силтади, яна кимдир ёрдамга югурди. Азим хушсиз ётар, Нозим эса, тупроққа ағанаганча: «Мен нималар қилиб қўйдим, одамлар?» дея бошини ерга урарди. Бироздан сўнг етиб келган «Тез ёрдам» машинаси қонга бўяган хушсиз акани олиб кетди.

Икки кун хушсиз ётган Азим ўзига келмай, яқинларига бир оғиз рози-ризилигини айта олмай жон таслим қилди. Нозимни олиб кетган милличи ходимлари сўрқоча тутди. Ука бошини деворга ура-ура, пушаймон ўтида қовурила-қовурила узоқ муддатга камалиб кетди. Ойсинлар бева, фарзандлар етим қолди. Хувиллаган ҳовли ўртасидаги каллақалган, ҳар йили шигил-шиғил мөва қиладиган шотут эса қайта мөва қилмади, бу хонадоннинг бўсағасини ҳеч ким босиб қирмайдиган, ҳеч ким тўймаъракада йўқламайдиган бўлди...

Ота васиятини адо этолмай, қирпичоқ бўлган ака-укаларнинг ер талашлари меҳр-оқибатни унутганлари уларнинг бошларига шундай қўрғулик бўлиб қайтди.

Бу ҳодиса барчага сабоқ бўлиши учун ҳам уни батафсил ҳикоя қилдик. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, муроси-мадора — халқимизнинг қадрибад фазилатларини унутмайлик.

Марям АҲМЕДОВА

МЭН СИЗДАН ...

Сиз менга қарайсиз, Кўзлар кўзга тўқнашади. Дилни эзади хижиллик. Сизни мен ўзимники қилмоқчи бўлман, Аммо ўртасида диёнат кўприги. Жиндай кўрқоқлик бор Ҳамда одамлилик. Оғир юк — севмоқ азоби. Бунинг учун катта юрак керак. Ёниб, ёндирадиган. Мана, энди ҳаммаси аён! Мен сиздан узоқроқ юрсам дейман.

ЛАХЗАЛАР

Оқ йўл тилаб кузатар, Олисларга лаҳзалар. Дилга ҳадик солажак, Йўллардаги ларзалар. Вақт шамолларида Тўзиб кетма, ўртоқжон.

Кўнгулга сайр

Сўнг қайтажак йўлингни Бўзиб кетма, ўртоқжон. Ғамбола юракларнинг Ғамхўри саёҳатдир. Тонг отди — қуёш чиқди, Билгилки, саодатдир.

УША МЭН...

Мен шунда қолдирдим қайғуларимни, Шу ерга сочилиган хотираларим. Болалик шўхлиги, кулгуларимни — Мен шунда қолдирдим, азиз дўстларим. Юракка жойлабман куюк бир дардин, Иссиқ ховур чикар сўнгаларимдан. Ёниб кетаяпман, ўчириб олинг, Киринди ўтятип ичкаларимдан. Омад юришмаси қийин экан, оҳ! Мевали дарахтга қўл очиб қолдим. Турмушнинг лой тупроқ кўчаларида, Омадин излаган ўша мен бўлдим.

Аҳмад ҲАСАН



Аҳмад ҲАСАН

Мулоҳаза, мушоҳада ва таклиф

САЁЗ СЕРИАЛЛАР КИМГА КЕРАК?..

ёҳуд уларнинг ёшларга таъсири хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда) Яқинда қайтадан намоийш этилган японларнинг «Ошин» телесериали яхши танланганини айтириб этиш лозим. Ундаги Ошин образи дардлари, қувончлари ва изтироблари билан томошабинлар қалбидан жой олди. Таъкидлаш лозимки, бу сериални унчалик кўп томошабин кўрмади. «Гвадалупе»ни эса 7 ёшдан 70 ёшгача томоша қилди-ёв. Дарвоқе, лотин америка киночилари суратга олган сериаллардаги асосий камчилик улардаги воқеа, ҳолат ва ҳақазоларнинг халқимиз менталитетига тўғри келмаслигидир. Болалари, ота-оналари билан биргаликда бундай сериалларни томоша қилган фарзандларимизнинг маданияти, ахлоқий меъёрларига, юмшоқроқ айтганда, зиён етмайди, дея олмаيمиз. Ахир, ўзингиз ўйланг, телеэкрандаги бешарм лавҳалари оила бошлиғи-ю унинг хотини, келини-ю фарзанди қўриб ўтиради? Бундай ҳоллар, да-

стлабки пайтларда, ўртада ноқулайлик туғдирача, бора-бора, қайнота-ю келиннинг, она-ю боланинг «этини ўлдириб» бораверади! Уртадан ҳаё, уят кўтарила боради. «Шарм ҳам, — деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, — кўпроқ ёшликка хос деб қаралиб келинади. Ёшларни, аввало, уларнинг шарм-ҳаёси учун мақтаймиз ва севамиз.»

Айрим сериалларда мулкчий даъволар асосига қурилган муносабатлар натижасида ота ўғил билан, она ўз келини билан судлашади, атрофларига хайрихоҳларни тўплайди. Мақсад бир-бирининг устидан ғалаба қозониш, мулкка эга бўлиш! Миллатимизга хос бўлмаган бундай «анъана» бир кун келиб ўзбек хонадониди ҳам қарор топишига ўша сериаллар «хисса» қўшмайди, деб бўладими?

Яқинда кен соат тўққизларда зарур юмуш билан бир танишимникига қўнғироқ қилдим. Танишим мен би-

ришини, ўқиши, ишини сўраб-суриштиришга вақт ажрата олмайдми. Чунки сериаллар кечқурун етти-саккиздан бошланиб, турли каналларда оқшом соат 24 гача давом этади.

2007 йил 21 сентябрдаги теледастурга кўз ташласак, «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Тошкент» телеканаллари орқали «Эгизаклар», «Айро тақдирлар», «Доворак самурай», «Ишқомли уй», «Кўнгул ристаси», «Гурур» телесериаллари кўзи ёриб бўлгунча, уни безовта қилмаслигини сўради. Лол қолди гўшаки жойига қўйдим. Шу-шу унга қўнғироқ қилишга иккиланаяпман: сериал кетаётган бўлса, уни чалғитмай қўя қолай, деган андиша билан. Ҳа, сериаллар ўзаро муносабатларимизни ҳам измига бўйсундирмоқда.

Табииyki, ҳар бир оилада ўзига яраша турмуш муаммолари мавжуд. Шулардан энг муҳими — фарзандлар тарбияси. Аммо кўпчилик хонадонларда кейинги йилларда оила аъзолари йиғилган пайтда барчанинг кўзи телеэкранда, сериалларда бўлади. Бу ҳолат ярим оқшомга чад давом этади. Ота-оналар ўғил-қизларининг ўриш-туру-

ришини, ўқиши, ишини сўраб-суриштиришга вақт ажрата олмайдми. Чунки сериаллар кечқурун етти-саккиздан бошланиб, турли каналларда оқшом соат 24 гача давом этади.

Маълумки, бирор қўшиқни ёздириб, эфирга ёки экранга олиб чиқишдан олдин нуфузли ҳакамлар ҳужмига ҳавола қилинади. Баъзан мутахассислар фикри асосида қайта ишланиб, тузатилади, агар мавжуд талабларга мутлақо жавоб бермаси ундан воз кечилади. Назаримизда, телетомошабинлар эътиборига ҳавола қилинадиган телесериалларни ҳам намоийш этишдан олдин малакали мутахассислар қўригидан ўтказиб олинса, фойдадан холи бўлмайди. Балки шунда турли саёз, беҳаё фильмлар намоийшининг олди олинар. Қолаверса, бундай узундан-узун телесериалларни ўзбек тилига ўғирши, режиссёр, овоз режиссёрлари, дубляж, муҳаррирлар учун кетадиган сарф-харажатлар ёшлари-

мизнинг тарбияси учун фойдали бўлган бошқа маънавий-маърифий тадбирларга, лоақал бир серияли ўзбекча фильм яратишга сарфланса бўлармиди?

Ахборот технологияларининг ҳозирги жамяятдаги ўрни беқиёс ўсиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, телевидение дастурларининг ёшларимиз тарбиясидаги ўрни ва роли каттадир. Шундай экан, кўрсатилган томошалар инсонларни тўғри йўлга бошлашда, миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, анъаналаримизга чуқур ҳурмат билан қарашни шакллантиришда муҳим омил бўлмоғи лозим. Чунки муҳтарам Юртбошимиз кўп тарма таъкидлаганларидек, қаердаки мафкуравий бушлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин.

Сиз нима дейсиз, азиз гачетхон?

Шажват ШУҲРАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Манба: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади.

Нашр индекси — 100

Навбатчи — Б.ТОШНАЗАРОВ Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ